ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc 28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШОМУРОДОВ ҚАҲРАМОН ЭРКИНОВИЧ

ТАНГЛАЙ КЕМТИКЛИ БОЛАЛАРДА КОМПЛЕКС РЕАБИЛИТАЦИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ТУРЛИ УСУЛЛАРДА ЎТКАЗИЛГАН УРАНОПЛАСТИКА САМАРАДОРЛИГИНИ СОЛИШТИРМА БАҲОЛАШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

УДК:616.315-007.254-089.844-039.76

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Шомуродов Қахрамон Эркинович
Танглай кемтикли болаларда комплекс реабилитацияни такомиллаштириш ва турли усулларда ўтказилган уранопластика самарадорлигини солиштирма баҳолаш…… 3

Шомуродов Кахрамон Эркинович
Сравнительная оценка эффективности различных методов уранопластики и их совершенствование в комплексной реабилитации детей с расщелиной нёба……... 32

Shomurodov Kakhramon Erkinovich
Comparative evaluation of the effectiveness of various methods of palatolasty and their improvement in the comprehensive rehabilitation of children with cleft palate…… 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……. 59

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Олий аттестация комиссиясида №B2018.1.DSc/Tib282 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdsi.uz) ва “ZiyoNet” (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий маслахатчи:	**Азимов Мухамаджон Исмаилович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Jun-Young Paeng** тиббиёт фанлари доктори, профессор (Жанубий Корея)
	Супиев Турган Курбанович тиббиёт фанлари доктори, профессор (Қозоғистон Республикаси)
	Боймуродов Шухрат Абдужалилович тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Yonsei University** **(Жанубий Корея)**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «___»_____куни соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Яшнаобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел./Факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: info@tsdi.uz).

Диссертацияси билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ -сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнаобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел./Факс: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2019 йил «_ _» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «___» _____даги № ____ рақамли реестр баённомаси)

Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х.П. Камилов,

Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгашда қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтиклари болалар юз-жағ жарроҳлиги амалиётидаги энг кўп тарқалган ва юз-жағ суяклари тузулишининг турли даражадаги шакл бузилишлари билан кечувчи касалликлардан бири бўлиб ҳисобланади. Танглай кемтиги ҳасталиги бола юз тузилиши ҳолатини ўзгартирибгина қолмай, организмдаги ҳаёт учун энг зарур бўлган жараёнлар: нафас олиш, чайнов, ютиниш, мимика ҳамда нутқ бузулиши каби функционал камчиликларни шакллантиради ва бола дунёга келган дастлабки кунларидан унинг ҳаёти учун хавф туғдиради. Танглайнинг анатомик шаклининг тузилиши, юқори жағ суягининг ривожланиши ва товушлар талаффузини тўлиқ тикланиши жарроҳлик амалиётининг мукаммаллигини талаб этади ҳамда болалар юз-жағ жарроҳлигининг мураккаб вазифаларидан ҳисобланади. Бу ўз навбатида, танглай кемтиги бўлган болаларни адекват ва ўз вақтида даволаш зарурлиги муаммонинг долзарблигидан далолат беради.

Жаҳонда юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтиклари 1000 нафар туғилган чақалоқлар орасида 0,6-1,6 ҳолатларда (Бутун жахон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумоти бўйича) учраши ва бутун дунё бўйича ушбу ҳасталик билан туғилганлар сони доимий равишда ортиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда, уларни ўрганиш борасида мақсадли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Тадқиқотларда асосий эътибор, касалликни жаррохлик усулида бартараф қилиш, асоратларини камайтириш ҳамда реабилитация самарадорлигини ошириш ва модереринизациялашга қаратилган. «Танглайида туғма кемтиги бор болаларни даволаш муаммолари улар туғилганларидан бошлаб, 15-18 ёшга тўлгунларига қадар давом этади. Улар тажрибали мутахассислар жамоаси - стоматолог, юз-жағ жарроҳи, ортодонт, педиатр, логопед, психолог, тиббий генетикларнинг иштирокида ҳал этиладиган асосий масалаларни ечиш билан боғлиқ»[1]. Касалликни ташхислашда антропометрик тадқиқот усулларини қўллаш орқали даво усуллари ишлаб чиқилмоқда. Юқори лаб ва танглай туғма кемтикларини патогенетик исботланган комплекс даволаш алгоритми такомиллаштирилмоқда. Операциядан кейинги пайдо бўлувчи асоратларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган механизмлар, ҳамда жаррохлик амалиётидан кейинги асоратларни камайтириш ва бартараф этишга қаратилган илмий –амалий ишлар мухим ахамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз аҳолиси орасида турли касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларни камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда.2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

[1] Wel Health Organization Adentia: fast sheet no 18. Optimization website. 2016. htpp: www.who.int/mediacentre.factsheets fs42/eng accested Marth 12.

стратегияси[2]да мамлакатимизда «.... соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли ўртасидаги касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш ...” га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, юқори лаб ва танглай кемтиги мавжуд бўлган болаларни ўз вақтида ташхислаш ва даволаш, стоматологик ёрдам кўрсатишни яхшилашга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сонли қарори, 2017 йил 29 декабрдаги «2018-2022 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-3440-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ ДИТД-9 «Инсон касалликлари профилактикаси, ташҳиси, даволаш ва реабилитациясининг янги технологияларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[3].

Юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтиклари мавжуд беморларни ташхислаш ва даволашга бағишланган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан National Institute of Dental and Craniofacial Research (АҚШ), New Jersey Dental School (АҚШ), Musenhof Zannklink (Германия), Radboud University (Нидерландия), Maxillofacial Surgery Information Center (АҚШ), Heidelberg University (Германия), Vrije Universiteit Brussel (Белгия), Dental Institute of King’s College London (Буюк Британия), Seoul National Dental University (Жанубий Корея), Ниппон (Япония) Стоматология университетида, Нагоя давлат университетида (Япония), 1-Москва давлат тиббиёт университетида (Россия Федерацияси), С.Д. Асфендияров номидаги Миллий университетда (Қозоғистон Республикаси) ва Тошкент давлат стоматология институтида (Ўзбекистон Республикаси) олиб борилмоқда.

Юқори лаб ва танглай туғма кемтикларини эрта ташхислаш ва жарроҳлик усуллари ёрдамида даволаш борасида илмий асослашга

---

[2]Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривождантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

[3]Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.who.int; www.pubmed.gov, www.highwire.org, http://www.cochranelibrary.com; http://www.rsl.ru; www.biomedcentral.com, www.uic.edu ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

йўналтирилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қўйидаги илмий натижалар олинган: юқори лаб ва танглай туғма кемтиклари билан туғилган болаларнинг хейло ва уранопластика операцияларидан кейин реабилитация жараёнини такомиллаштиришни асослаган (Department of Maxillofacial Surgery of Stuttgart (Германия); Department of Oral and Maxillofacial Surgery of Madrid (Испания); Seoul National Dental University (Жанубий Корея); танглай туғма нуқсонлари пластикасида янгича ёндашувлардан фойдаланиш асосланган (National Institute of Dental and Craniofacial Research (АҚШ), Department of Maxillofacial Surgery of Heidelberg University (Германия), Dental Institute of King's College London, (Буюк Британия); юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари пластикасининг янги усулларини ишлаб чиқиш (Plastic Reconstructive and Aesthetic Surgery (Франция), Institute of Maxillofacial Surgery (Испания).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтиклари мавжуд болаларда жарроҳлик усулларида юқори даволаш самарадорлигини такомиллаштириш мақсадида, устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан танглайнинг туғма кемтиги мавжуд бўлган болаларда танглайнинг анатомик-функционал ҳусусиятларини тикланиш имкониятини берувчи уранопластика усулини танлаш; танглайнинг уранопластикадан кейинги эрта асоратларни олдини олиш; юқори жаг ривожланиши ҳолатини баҳолаш; нутқнинг тикланишига жарроҳлик усулларини таъсирини асослаш; танглай бутунлигини тикловчи оптимал жаррохлик усулларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Танглай кемтиклари жарроҳлик техникасининг доимий такомиллашиб боришига қарамасдан ҳалигача жарроҳлик амалиётидан кейинги иккиламчи ва қолдиқ асоратлар сонининг сезиларли ортиши, юқори жаг ривожланишдан ортда қолиши ҳамда нутқ етарли даражада тикланмаслиги кузатилмоқда (Epker B.N. 2004; Somerlad B.C. 2016). Хозирги кунда дунёга келаётган болаларда касалликнинг учраш даражаси минтақалардаги экологик омиллар таъсирининг аҳамияти юқори даражада эканлигидан далолат беради (Ешиев А.М., Давыдова А.К. 2013; Ушницкий И.Д., Исаков Л.О. 2015). Танглай кемтикли болаларда жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда етарли даражада нутқ талаффуз тикланмаслиги сабаблари таҳлил қилинганда, юмшоқ танглай ва ҳалқум мушаклари комплекси ҳаракатчанлиги ва ютқин халқасининг етарли даражада торайтирилмагани ҳамда реабилитация даврида тўлиқ логопедик машғулотлар олиб борилмаганлиги натижасида эканлиги асосланган (Дерунова Т.Ю. 2013; Ермакова И.И. 2009; Фоменко И.В. 2011). Ҳозирги кунда жаҳонда уранопластикадан кейинги танглай-ҳалқум етишмовчилиги патогенези тўғрисида етарли маълумотлар тўпланди. Уларни ривожланишининг асосий сабаблари таҳлил қилинганда шуни кўрсатдики, аксарият ҳолларда жарроҳлик амалиётини малакали бажарилмаганлиги, танлаб олинган жарроҳлик усулини беморнинг ёш кўрсаткичларига мос келмаслиги ёки беморларни жарроҳлик амалиётидан олдинги ва кейинги даврда зарур бўлган даволаниш усулларини тўлиқ

қўлламаслик натижалари бўлиши мумкин (Guyuron B.B. 2008; Корсак А.К., Лапковский В.И. 2014; Супиев Т.К., Мамедов Ад.А. 2013).

Ўзбекистон Республикасида юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтикларини ташхислаш, даволаш ва реабилитацияларини такомиллаштиришга бағишланган бир қатор илмий-текширув ишлари олиб борилган. Р.А. Аманулаев (2005) томонидан олиб борилган тадқиқотларда, республикамизда юқори лаб ва танглай кемтиги билан туғилган болаларнинг учраш даражаларини ўрганган. Унинг маълумотларига кўра, Қорақалпоғистонда бу турдаги нуқсонлар билан болалар туғилиши даражаси 1:540 нисбатни ташкил қилади, Тошкентда эса бу кўрсаткич 1:745 нисбатни ташкил қилган. М.Б. Убайдуллаев (2001) томонидан хейло ва уранопластика жарроҳлик усулларидан кейинги бурун ва бурун деворларининг шакл бузилишлари сабаблари аниқланган. М.З. Дусмухамедов (2006) танглай кемтиги мавжуд бўлган болаларда танглай-ҳалқум доирасининг шаклини ҳисобга олган ҳолда танглайнинг жарроҳлик усулида даволашдан кейинги маҳаллий асоратларнинг корреляцион таҳлили ва жарроҳлик амалиётини режалаштирилишининг математик моделини ишлаб чиқди. А.М. Азимов (2007) уранопластикадан сўнг, оғиз бўшлиғи ҳимоя қилиш хусусиятларининг ўзига хос бўлмаган омиллари даражаси пасайишини аниқлади. С.С. Муртазаев (2008) юқори лаб ва танглай туғма кемтиги мавжуд бўлган болаларнинг сўлагидаги калций миқдори пасайиши туфайли, тиш қаттиқ тўқималари касалликларидан бири, кариеснинг юқори частотасини аниқлади. С.М.Муртазаев (2010) юқори лаб ва танглайида туғма кемтиги бўлган болаларни сунъий усулда овқатлантириш натижасида ичакдаги дисбактериоз, иммун тизими дискоординацияси, соматик патология ўсиши ва бола организмининг жисмоний ривожланишдан ортда қолишини амалда исботлади. Ш.Т. Шокиров (2011) ўз илмий тадқиқотларида юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтиклари мавжуд болаларда, юқори жағ алвеоляр ўсиғи нуқсонини аутосуяк бўлаклари билан мини-пластиналар ёрдамида бартараф этишни мақсадга мувофиқлигини асослади. А.А. Юлдашев (2016) танглай туғма кемтикларида альвеоляр ўсиқ нуқсонини киндик мембранасидан фойдаланиб алвеолопластика жарроҳлик усули ёрдамида даволаш стандарти ва протоколини ишлаб чиқди.

Бугунги кунда, юқори лаб ва танглай туғма кемтикли болаларни даволаш ва реабилитация усулларини мукаммаллаштириш бўйича кўп сонли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, аммо танглайи туғма кемтикли болаларда танглай нуқсонларини жарроҳлик усули ёрдамида даволаш долзарблигича қолмоқда. Ўтказилаётган тадқиқотларнинг кенг қамровли ҳажмига қарамасдан, жарроҳлик усулларида даволангандан кейинги маҳаллий асоратлар, танглай-ҳалқум доираси соҳасидаги етишмовчиликлар, товуш талаффузининг кескин бузилиши, юқори жағ суяги тўқималарининг ўсиши ортда қолиши хусусида ечимини кутаётган вазифалар мавжуддир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-

тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Атроф-муҳит омиллари таъсирини ҳисобга олган ҳолда юз-жаг соҳаси ўсмалари, жароҳатлари, яллиғланиш касалликлари, деформациялари, нуқсонларини ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг замонавий ёндошувларини ишлаб чиқиш» (№011400196) (2014-2017 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади уранопластика жарроҳлик амалиётининг анъанавий усулларда эришилган натижаларини солиштирма баҳолаш ва танглайнинг анатомик ҳамда функционал хусусиятларини тўлиқ тиклаш имконини берувчи усул ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўтказилган анъанавий уранопластика жарроҳлик усуллари натижаларига қараб, болаларда танглайнинг анатомик-функционал ҳусусиятларининг тикланиш ҳолатини баҳолаш;

танглайнинг анатомик функционал ҳусусиятларини тўлиқ тиклаш имконини берувчи уранопластика усулини таклиф қилиш;

танглай кемтиклари турли хил жаррохлик усуллари (уранопластика) билан даволанган болаларда, магнит-резонанс томография текшируви натижаларига кўра, танглай-ҳалқум соҳасидаги мушаклар анатомик-функционал ҳусусиятларининг тикланиш даражасини ўзаро солиштирма бахолаш;

уранопластика жарроҳлик амалиётидан кейин рентгеноскопик текширув усуллари натижалари бўйича, танглайнинг функционал ҳолатини таҳлил қилиш;

танглай туғма кемтиги бўлган болаларда кемтик оғирлик даражаси ва бола ёшини ҳисобга олган ҳолда, таклиф қилинган жарроҳлик усулини юқори жаг ўсиши ва ривожланишига таъсирини асослаш;

рақамли сигналлар текшируви асосида, уранопластика амалиёти ўтказишдан олдин ва сўнг, товуш талаффузи тикланиш сифатини бажарилган жарроҳлик усулларига кўра солиштирма таҳлилини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Тошкент давлат стоматология институти клиникасининг болалар юз-жаг жарроҳлик бўлимида даволанишда бўлган, юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтиги мавжуд бўлган 210 нафар болалар ва назорат гуруҳи сифатида танглай-ҳалқум соҳасида патологик ўзгаришлар бўлмаган 20 нафар бола олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида танглай кемтиги мавжуд бўлган болаларнинг юқори жаг, юмшоқ ва қаттиқ танглай мушаклари ҳамда шиллиқ қават тўқималари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқод вазифаларини амалга оширишда антропометрик, фотометрик, магнит-резонанс томография, рентгеноскопик, мультиспираль компьютер томография, товушлар спектрал таҳлили, статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқоднинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

танглай кемтиги мавжуд бўлган болаларда анъанавий уранопластика жарроҳлик усуллари юмшоқ танглайнинг етарли даражада узайтириш ва

танглай-ҳалқумнинг анатомик-функционал ҳусусиятларини тиклаш имконини бермаслиги исботланган;

илк бор юмшоқ танглай мушакларини кундаланг кесиб, ҳосил бўлган ярани бўйлама тикиш натижасида танглайни узайтириб, анатомик-функционал ҳолатини тўлиқ тикловчи уранопластика усули ишлаб чиқилган;

танглай туғма кемтикли болаларда, уранопластика жарроҳлик амалиётидан сўнг, танглай-ҳалқум соҳаси мушакларининг анатомик тикланганлик ҳолатини баҳолаш учун магнит-резонанс томография ва рентгеноскопик текширув усулларидан фойдаланиш мумкинлиги асосланган;

танглайнинг туғма кемтиги бўлган болаларда кемтикнинг оғирлик даражаси ва жарроҳлик амалиётининг ўтказилиш муддатларидан қатъий назар, ишлаб чиқилган жарроҳлик усули билан даволаш, юқори жағ суягининг ўсиши ва ривожланишига, кемтик фрагментлари орасидаги масофанинг қисқаришига ижобий таъсири исботланган;

танглай кемтиги мавжуд болаларда кемтикнинг оғирлик даражаси ва жарроҳлик амалиётини бола ёшига қараб қўлланилганда, турли хил уранопластика усулларидан сўнг, рақамли сигналлар асосида, нутқ сифати тикланганлигини таҳлил қилиш орқали, товуш талаффузининг сифатини таққосий баҳолаш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таклиф қилинаётган уранопластика жарроҳлик усулидан фойдаланиш танглай кемтикларида юмшоқ танглайни узайтириш, танглай-ҳалқум ҳалқасининг анатомик-функционал ҳусусиятларини тўлиқ тиклаш имконини яратиши исботланган;

танглай кемтиги мавжуд бўлган болаларда кемтикларни жаррохлик усулида даволаш такомиллаштирилган;

юқори жағдан олинган қолиплардаги ўлчамлар, ҳамда МСКТ текшируви маълумотлари натижаларига кўра, танглай кемтикларининг оғирлик даражаси ва операцияни ўтказиш муддатларидан қатъий назар, таклиф қилинган уранопластика усули юқори жағ ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатмаслиги исботланган;

таклиф қилинган усул бўйича юмшоқ танглайни кўндаланг кесиб, ярани бўйлама тикиш йўли билан амалга оширилган жарроҳлик амалиётидан сўнг юмшоқ танглай ва тилча узунлигида ҳамда шаклида меъёрий кўрсаткичларга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи текшириш усулларини услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник, антропометрик, рентгенологик, статистик таҳлил усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек танглайи кетмик болаларни жарроҳлик усулида даволаш натижалари ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, олинган натижаларнинг хорижда олиб борилган нуфузли тадқиқот натижалари билан ҳамоҳанглиги хамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтиги мавжуд бўлган болаларда, юқори жағ суяклари ўсишда кечикиши, нутқ тикланиши, танглай-ҳалкум етишмовчилигини бартараф этишда қўлланиладиган анъанавий усуллардан, таклиф қилинган янги жарроҳлик усулида даволашни қўллашдаги самарадорлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, юмшоқ танглайни кўндаланг кесиш билан ярани бўйламасига тикилиши таклиф қилинаётган уранопластиканинг усулида танглай мушакларини 180° га буриш ҳисобига юмшоқ танглайни узайтириш имконини бериши ва танглай-ҳалқум ҳалқаси анатомик функционал тикланишини яхшилаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Танглай кемтиги мавжуд бўлган болаларда такомиллаштирилган жарроҳлик усули билан даволаш бўйича олинган илмий натижалар амалий соғлиқни сақлашга тадбиқ қилинган:

“Танглай туғма кемтикларини жарроҳлик йўли билан даволаш усули” бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патент учун маълумотнома олинган (№IAP 20170221). Мазкур усул танглай кемтиклари оғирлик даражаларидан қаътий назар танглай нуқсонини тўлиқ бартараф этиш ҳамда реабилитация муддатини қисқартириш имконини берган;

“Уранопластика усулларининг самарадорлигини талаффуз натижалари асосида қиёсий баҳолаш” (Zvuk.exe) бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастури рўйхатдан ўтказилган (2018 йил 17 майдаги №DGU 05310 –сонли гувоҳномаси). Мазкур ЭҲМ дастури танглай кемтиги бўлган беморларни жарроҳлик амалиётидан олдин талаффуз тикланишини башорат қилиш имконини берган;

“Уранопластика усулларининг самарадорлигини сўз талаффузининг натижалари асосида қиёсий баҳолаш” (Slovo.exe) бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастури рўйхатдан ўтказилган (2018 йил 17 майдаги №DGU 05309 –сонли гувоҳномаси). Мазкур ЭҲМ дастури танглай кемтиги бўлган беморларни жарроҳлик амалиётидан олдин сўз талаффузининг тикланиш даражасини башорат қилиш имконини берган;

“Уранопластика жарроҳлик усулини юмшоқ танглай тўқималарини кўндаланг кесмалар ўтқазиш ва бўйламасига тикиш орқали амалга ошириш” услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 3 июлдаги 8н-р/165-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма танглай туғма кемтиги мавжуд бўлган болаларда жарроҳлик усулида даволаш самарадорлигини ошириш ва юмшоқ танглайнинг узайтириш имконини берган;

“Уранопластика усулларининг сўзлар талаффузи тикланишидаги самарадорлигини солиштирма баҳолаш” услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 декабрдаги 8н-р/361-сонли

маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма танглай туғма кемтиги мавжуд бўлган болаларни уранопластикадан кейинги нутқ тикланиш самарадорлигини сўзлар орқали баҳолаш имконини берган;

“Уранопластика усулларининг товушлар талаффузи тикланишидаги самарадорлигини солиштирма баҳолаш” услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 декабрдаги 8н-р/362-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма танглай туғма кемтиги мавжуд бўлган болаларни жарроҳлик усулида даволашдан кейин, товушлар орқали нутқ тикланиш самарадорлигини баҳолаш имконини берган;

юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтикларини ташхислаш ва даволашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётида, жумладан, Тошкент давлат стоматология институтининг клиникаси, Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида амалий фаолиятга тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 декабр 8н-д/277-сонли маълумотномаси). Олинган натижаларни клиник амалиётга жорий қилиниши даволаш самарадорлигини ошириш ва уранопластика ўтказилгандан кейин реабилитацион даврни 20% га қисқартириш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 халқаро ва 7 та республика илмий – амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 21 илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13та мақола, шундан 11 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 182 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади хамда вазифалари шакллантирилган, объект ва предметлари таснифланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Юқори лаб ва танглай кемтикли болаларни замонавий усуллар билан комплекс даволаш”** деб номланган биринчи бобида, юқори лаб ва танглай туғма кемтикларининг жаҳон ва республикамизда учраши ва тарқалганлиги кўлами, танглай кемтиги мавжуд бўлган болаларда юқори жағ ва танглай-ҳалқум соҳасининг анатомик

функционал хусусиятлари, танглай кемтигини жарроҳлик усули билан даволашнинг юз скелети ўсиши ва ривожланишига таъсири, товушнинг асосий ҳоссалари ҳусусиятлари, танглайи кемтикли болаларнинг комплекс реабилитацияси, мавжуд уранопластика усулларининг устунлик ва камчиликлари жиҳатлари таҳлили бўйича адабиётларда ёритилган маълумотлар, давлат ва маҳаллий даражада ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар келтирилган.

Диссертациянинг **“Клиник материал ва қўлланилган текширув усулларини умумий тавсифи”** деб номланган иккинчи бобида, тадқиқотнинг асосий материал ва усуллари, хронологик доираси ва объектларига изоҳлар келтирилган.

Тадқиқот объекти Тошкент давлат стоматология институти клиникасининг болалар юз-жаг жарроҳлик бўлимида диспансер ҳисобида турган, юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтиги мавжуд (6 ойдан 7 ёшгача) бўлган 210 нафар бола ва танглай-ҳалқум соҳасида патологик ўзгаришлари бўлмаган 20 нафар соғлом болалар бўлди.

Юқори лаб ва танглайида туғма кемтикларининг оғирлик даражасига қараб, болалар Л.Е. Фролова (1973) таклиф қилган классификацияга асосланган ҳолда гуруҳларга бўлинган. 210 нафар тадқиқотда иштирок этган танглайнинг туғма кемтиги мавжуд бўлган болаларнинг 94 нафари чуқур текширувлардан ўтказилди.

Тиббий кўрик клиник, рентгеноскопик, антропометрик, фотометрик, магнит-резонанс томография, мультиспирал компьютер томография текширув усулларини ўз ичига олган.

Барча беморларга жарроҳлик амалиётидан аввал қон ва сийдикнинг умумий клиник таҳлили, қоннинг умумий оқсил, оқсил фракциялари, ферментлар, билирубин, электролитлар биокимёвий таҳлилини ўз ичига олувчи текширувлар ўтказилган, зарурият бўлган беморларда кўкрак кафасининг рентгенографияси ва ЭКГ ўтказилган. Бундан ташкари, болаларни: педиатр, анестезиолог, ортодонт, оториноларинголог ва невропатолог мутаҳассислари кўрикдан ўтказган.

Тадқиқотда иштирок этган болалар қуйидаги гуруҳларга тақсимланди: назорат (n=20) - таққослаш гуруҳи, бу гуруҳга танглай-ҳалқум доирасида ҳасталик аломатлари бўлмаган болалар ташкил қилган;

биринчи гуруҳга (I гуруҳ n=30) Л.Е. Фролова таклиф қилган усулда ҳалқумни торайтириш билан уранопластика ўтказилган беморлар киритилган;

иккинчи гуруҳга (II гуруҳ n=32) – уранопластика операцияси Bardach J усулида амалга оширилган болалар киритилган;

учинчи гуруҳни (III n=32) биз таклиф қилган усулда уранопластика операцияси ўтказилган болалар ташкил этган.

Таклиф қилинган жарроҳлик амалиёти усулнинг бажарилиш хусусияти: юмшоқ танглай тўқималари кўндаланг (8-12мм) кесилиб, кесма четлари 180^0 очилади ва ҳосил қилинган жароҳат бўйлама қаватма –қават тикилади. Кўндаланг кесма яра 180^0 очилганда, унинг улчами икки марта

узаяди. Иккала фрагментда юмшоқ танглай мушаклари апоневрозга уланган соҳасидан бутун (8-12 мм гача) қалинлиги бўйлаб, кўндаланг кесилади. Иккала томонда ҳосил бўлган кесма яра четидан кемтик бўйлаб, тилча учигача шиллиқ қатлам кесиб олиб ташланади. Юмшоқ танглай мушаклари икки томонда икки қатламга ажратилмаган ҳолда, ҳалқумнинг ён деворини ҳосил қилган суякдан бўшатиб олинади. Танглайнинг шиллиқ ҳамда мушак қатламларга чоклар қўйиш жараёнида кесма яра 180° га очилади. Иккала томондан m.LVP мушаги толалари қисмлари 90^{0} сурилиб учма-уч тикилади. (рац. Таклиф ТТА № 655 07.01.2014) (1-расм).



1- расм. Операция босқичлари. А-танглай кемтиги кўриниши, фламастер билан юмшоқ танглайда кўндаланг кесма белгилаб олинган; б – юмшоқ танглайда кемтикнинг ўнг томон четида кесма ўтказилган; в- иккала бўлаклар четидаги шиллиқ парда кесиб олинган; г - бурунинг парда –мушак қатлами кемтик чегараси бўйлаб тилча учига қадар ағдарилган чоклар қўйилиб тикилган; д – дастлаб тилчага сўнг юмшоқ танглай мушакларига чоклар қўйилган; е - оғиз шиллиқ парда-мушак қаватига чоклар қўйилган.

Юқори жағнинг антропометрик ўлчамларини олиш мақсадида юқори жағдан олинган модел махсус миллиметр ўлчамли чизғич ёрдамида (Sillman J.H. 2001) юқори жағнинг трансверзал ҳамда сагитт текисликлар бўйича

узунлиги қўйидагича баҳоланди: юқори жағ кемтиги четлари, альвеоляр ўсиқ, танглай ўсиқларининг четлари ҳамда сут тишларининг жойлашиш оралиғи масофалари ўлчанди. Танглай кемтикларини жарроҳлик усули билан даволашнинг болалар юқори жағининг ўсиши ва ривожланишига таъсирини ўрганиш мақсадида, ўтказилган велопластика (жарроҳлик амалиёти)дан кейин юқори жағ ўлчамлари 6 ойдан сўнг ўлчаниб, операциядан олдин олинган натижалар билан таққосланди.

Танглайи кемтикли болаларнинг жарроҳлик усули билан даволашдан олдин ва кейин, танглайнинг клиник-антропометрик кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида, кесув тишлар асосидан тилча учига қадар ва ҳалқумнинг иккала ён деворлари орасидаги масофанинг фотометрик ўлчовлари ўтказилди (2-расм).

а



б



2- расм. Танглай кемтигининг уранопластикадан олдин ва кейин антропометрик ўлчамлари схемаси кўриниши; OA – кесув тишлар каналидан ҳалқумнинг девори орт юзаси орасидаги узунлиги; Oa – кесув каналидан шакллантирилган тилча учигича бўлган масофа; UU_1 – тилчалар орасидаги кенглик масофаси; PP1 – ҳалқум ён деворининг кенглик масофаси.

Ҳар бир беморда текширув операциядан олдин ва кейин магнит-резонанс томографик “Siemens” (Германия) фирмасининг Magnetom Open/Viva аппаратида магнит майдонининг 0,2T кучланишида, коронар, сагиттал ва аксиал проекцияларда T1 spinecho (SE) режимида ўтказилди. Сагиттал проекцияда сканерлаш бошнинг бўйлама ўқига параллел текислик, аксиал йўналаши- қаттиқ танглай орқали ғалвирсимон суяги lamina cribrosa га параллел йўналишда, коронар (фронтал) проекцияда суяк lamina cribrosa га 58 даража бурчак остида текислик (M.D. Akguner 1999 таклиф қилган усул)да ўтказилди. Шу аснода, кемтикли болалаларни жаррохлик усулида даволашдан олдин ва кейин қаттиқ танглай, юмшоқ танглай узунлиги, ҳалқумнинг орт девори қалинлиги ва ҳалқум чуқурлиги ўлчанди.

Танглайнинг m. levator veli palatini мушаги статик ҳолатида (S.L.Ettema ва ҳаммуаллиф. 2001 таклиф қилган усул) ўлчаш ўтказилди: танглай мушагининг m.LVP бошланғич чап ва ўнг нуқталар орасидаги масофа, чап ва ўнг жойлашув бўрчаги, m. LVP бошланишидан юмшоқ танглай ўртасигача бўлган масофалар ўлчанди.

Уранопластика (жарроҳлик амалиёти)дан (6-8 ой) сўнг қаттиқ танглай фрагментлари орасидаги масофа кенглигини ўлчаш мақсадида Somatom Emotion 6, Siemens (Германия) томографида нейтрал ҳолатидаги аксиал проекцияда кўп қатламли компьютер томографияси ўтказилди. Аксиал кесмалардан коронар, сагиттал ва қийшиқ проекцияларда реконструкциялар олинди ҳамда юқори жағ коронар кесмаси ва юз скелетининг уч ўлчамли (3D) реконструкцияси ҳосил қилинди. Компьютер томография текширувининг дастурий аксиал кесмалар қалинлиги 1,25 мм., интервал 3 мм., сканерлаш вақти 10–20 сония, кўрув майдони 180х180, матрица катталиги 256х256, кесмалар сони 20–110.таъминоти бўйича кемтиклар орасидаги масофа таҳлил қилинди.

Танглай-ҳалқум мушаклар мажмуаси харакатланиш ҳолатини баҳолаш мақсадида (Philips J/DRF) аппаратида рентгеноскопик тадқиқотлар ўтказилди, бунда рентген нурлари электрон-оптик ўзгартиргич таркибли бўлиб, тасвирини кучайтиргичга узатади ҳамда олинган таъсвир монитор экранида намоён бўлгач, тасвир видеорўйҳатга стоп-кадр тизимида ёзиб олинди. Танглай-ҳалқум соҳаси яхши кўринганидан сўнг бола “А” ҳамда “И” ҳарфларини талаффуз қилади, бу вақтда танглай-ҳалқум комплекси ҳолати ведиотасмага рўйхатга олинади. Шундан сўнг мониторда рентген фотосуратлари устидан махсус компьютер дастури ёрдамида 1.0 мм ли квадратларга бўлинган цефалометрик ўлчов билан танглай мушакларининг ютқин олд девори юзаси оралиғидаги олиб ўлчанади.

3-7 ёшдаги болаларда уранопластика ўтказилгандан (6-10ой) кейин товуш талаффузини баҳолаш мақсадида талаффуз қилиш қийин бўлган «б», «д», «ж», «п», «с», «ш»,«з» ҳарфлари ва «банан», «дала», «пуфак», «самолёт» сўзларининг талаффузи махсус овоз ёзиш студиясида микрофон орқали Nuendo4 товуш ёзуш дастурда ёзиб олинган ва олинган маълумотлар Audacity 2.2.2 компьютер дастурида товушнинг максимал ва минимал даражаси (дБ), товушнинг ўртача қиймати (дБ), талаффузнинг давомийлиги (сония) кўрсаткичлари бўйича қайта ишланиб рақамланди:

Товушлар ташҳислаш белгиларининг баҳоланиши рақамларда амалга оширилган “даволашгача” бўлган жараёнга мос келувчи товуш акустик спектри кўрсаткичларининг қийматлари асосида таҳлил қилинган.

Статистик ишлов бериш M±m ни ҳисоблаш ва танлов медиани билан амалга оширилди. Фарқлар ишончлилигини натижалари, одатда мос келган Стюдентнинг t-мезони ёрдамида баҳоланди. $p<0,05$ да фарқ статистик ишончли ҳисобланди.

Материалнинг статистик қайта ишланиши, график ва жадвалларнинг тузилиши персонал компьютерда Statsoft STATISTICA 6.0 статистик

маълумотларни қайта ишлаш дастурий пакетларидан фойдаланиб амалга оширилди. Ҳисоблар MC Exell электрон жадваллар таҳрирчисида бажарилди.

Диссертациянинг “**Уранопластика усулларидан сўнг танглайнинг анатомик функционал ҳолатини ўрганиш натижалари**” деб номланган учинчи бобида, танглайида туғма кемтиги бўлган болаларда уранопластикадан кейин юмшоқ танглай ва тилчани тиклаш натижалари, операциядан кейинги эрта асоратларнинг жойлашуви ва антропометрик ўлчовлар таърифланган.

Танглай кемтикларини жарроҳлик йўли билан даволаш усулига кўра, тадқиқотда иштирок этган болалар гуруҳларга ажратилди: I гуруҳ 77 (36,6%) нафар болаларда Л.Е. Фролова таклиф қилган усул, ҳалқум доирасини торайтириш йўли билан; II гуруҳдаги 59 (28%) нафар болаларда Bardach J. таклиф қилган уранопластика усули икки томондан ағдарма кўчирилган лахтаклар билан тикланди; III гуруҳ 74 (35,2%) нафар болаларда юмшоқ танглай кўндаланг кесилиб, ярани бўйлама тикиш орқали тикланди.

Текширув натижаларига кўра, танглайнинг кемтиги жарроҳлик усулида даволанган 210 нафар болалардан 38(18%) нафарида тилча ҳолати носимметрик шаклланган, 8 (3,8%) нафарида жароҳатнинг очилиши, тилчанинг бир томонга силжиши ҳалқумнинг қисман кенгайиши кузатилди, бунда 5(2,3%) нафар болада бу асоратни бартараф қилиш учун такрорий жарроҳлик амалиётини ўтказиш зарурияти юзага келди.

Тадқиқотларимизнинг таҳлили натижаларига кўра, уранопластикадан сўнг яранинг бирламчи битишига қарамасдан, юмшоқ танглай ва тилча турли шаклга эга бўлганлиги аниқланди. Биз тикланган танглай ва тилчанинг тикланиш шакли (ЮТТТШ)ни эътиборга олиб, гуруҳларга ажратдик ва балларда ҳисобланадиган мезонларга бўлиб ўрганишни таклиф қилдик (3-расм).

- ЮТТТШ яхши кўрсаткич = 0 балл
- ЮТТТШ қониқарли кўрсаткич = -1
- ЮТТТШ нисбатан қониқарли кўрсаткич = -2
- ЮТТТШ қониқарсиз кўрсаткич = -3

Натижаларнинг таҳлили Л.Е. Фролова таклиф қилган усулда 77 нафар болаларда амалга оширилган уранопластикадан сўнг 21(27,7%) нафарида тилча носимметрик шаклда тикланган. Шулардан 7(0,9%) нафар болаларда операциядан кейин тилчанинг бир бўлаги иккинчи бўлагидан катта ёки калта, 8(1%) нафар беморда эса тилча ўзининг меъёрий анатомик жойлашув майдонидан юқорига - “А” чизиғига яқин жойлашган. 2 (0,2%) нафар болаларда жарроҳлик амалиётидан сўнг тилча танглай ўрта чокига нисбатан чапроқда ёки ўнгроқда жойлашган. Л.Е. Фролова усулида амалга оширилган уранопластикасидан кейин ҳаммаси бўлиб 33(46,7%) нафар болаларда юмшоқ танглай ва тилчанинг шакли қониқарли ҳолатда тикланган.

Bardach J. таклиф қилган усулда амалга оширилган операциядан сўнг 59 нафар боладан 4(0,6%) нафарида тилча бурун-ҳалқум тешигига эгилиб жойлашган, 2(0,3%) нафар беморда эса тилча ўрта чокка нисбатан чапроқда жойлашган, 8(1,2%) нафар болаларда носимметрик тилча қайта тикланган -

бир томони бошқасидан паст ёки баландда жойлашган, операция қилинганларнинг 2(0,4%) нафарида тилча умуман анатомик шаклини йўқотган. Bardach J. усулида 59 нафар болаларда амалга оширилган жарроҳлик амалиётидан 43(72,4%) нафарида юмшоқ танглай ва тилча шаклининг тикланиш кўрсаткичи қониқарли деб топилган.

Таклиф қилинган усул юмшоқ танглайни кўндаланг кесиб, ярани бўйлама тикиш йўли билан амалга оширилган жарроҳлик амалиётидан сўнг – 74 нафар болалардан 2(0,3%) нафарида тилча ҳолати одатдагидан кўра йирикроқ шаклланган, қолган болаларда юмшоқ танглай ва тилча узунлиги ҳамда шакли меъёрга яқин бўлган. Юмшоқ танглайни кўндаланг кесиб, ярани бўйламасига тикиш йўли билан амалга оширилган уранопластикадан сўнг – 72(96%) нафар болаларда юмшоқ танглай ва тилча шаклининг тикланиш кўрсаткичи яхши деб баҳоланган.

№	кўрсаткич	тафсилот	№	кўрсаткич	тафсилот
1.		тикланган юмшоқ танглай ва тилча узунлиги ҳолати ва шакли бўйича меъёрга яқин **ЮТТТШ кўрсаткичи яхши = 0**	4.		тилча бурун-ҳалқум бўшлиғи томон эгилган **ЮТТТШ кўрсаткичи нисбатан қониқарли = -2**
2.		юмшоқ танглай тикланган, лекин тилча симметрияга эга бўлмаган. **ЮТТТШ кўрсаткичи қониқарли = -1**	5.		тилча танглай ўрта чокига нисбатан ўнгроққа ёки чапроққа силжиган. **ЮТТТШ кўрстакичи қониқарсиз = -3**
3.		Шаклланган тилча юмшоқ танглайнинг “А” чизиғига яқин ёки ундан узоқда жойлашган. **ЮТТТШ кўрсаткичи нисбатан қониқарли = -2**	6.		тилча умуман шаклланмаган, юмшоқ танглай қисқа, танглай-ҳалқум ҳалқасининг харакати чегараланган. **ЮТТТШ қониқарсиз= -3**

3-расм. Уранопластикадан сўнг юмшоқ танглай ва тилчанинг анатомик тикланиши (балларда).

Танглайида кемтиги бўлган болаларда ўтказилган антропометрик ўлчамлар таҳлилидан шу маълум бўлдики, Л.Е. Фролова усулида амалга оширилган жарроҳлик амалиётидан сўнг, юқори кесув тишлар асосидан тилчанинг уч қисмигача бўлган масофа танглай узунлиги 70,3±0,61мм га,

ҳалқум ён деворлари орасидаги масофа 27,3±0,5мм га етган. Л.Е.Фролова усулида амалга оширилган операциядан кейин юмшоқ танглай узунлиги меъёрга нисбатан 89% узайган ва ҳалқум ён деворлари орасидаги масофа (кенглиги) меъёрдан 4,5 % га кўпроқ торайтирилган.

Bardach J. усулида ўтказилган уранопластикадан сўнг танглай узунлиги 71,4±0,6мм га узайган ва ҳалқум ён деворларининг кенглиги 31,3±0,5ммни ташкил этган. Bardach J. усулида ўтказилаган уранопластикадан сўнг юмшоқ танглай узунлиги меъёрга нисбатан 91% га узайган ва ҳалқум ён деворлари орасидаги масофа (кенглиги) 91% меъёрга нисбатан торайган.

Таклиф қилинган юмшоқ танглайни кўндаланг кесиб, ярани бўйлама тикиш усулидан сўнг танглай узунлиги 79,3±0,6мм га етган ва 2,5% меъёридан ортиқ узайган, ҳалқум ён деворлари четлари орасидаги масофа торайиб 28,3±0,5мм 99% га меъёр кўрсаткичига яқинлашган.

Болаларда уранопластика жарроҳлик амалиёти бажарилгандан кейинги асоратлар таҳлилига кўра: I гуруҳда - 24(11,4%) нафар болаларда, II гуруҳда – 11(5,2%) нафар болаларда, III гуруҳда - 9(4,2%) нафар болаларда эрта асоратлар кузатилган (4-расм).



4- расм. Уранопластика усулларидан кейинги эрта асоратлар учрайдиган асоратлар.

Диссертациянинг “**Уранопластикадан олдин ва кейинги МРТ натижаларига кўра танглай-ҳалқум мажмуасини баҳолаш**” деб номланган туртинчи бобида, МРТ текширувидан фойдаланган ҳолда, анъанавий ва таклиф қилинган янги уранопластика усуллари қўлланилгандан сўнг олинган антропометрик натижаларнинг таҳлили келтирилган.

Танглайи туғма кемтикли болаларда МРТ текшируви 3-5 ҳамда 5-7 ёшдаги беморларда операциядан кейин 6 ойдан сўнг ўтказилган. 3-5 ёшдаги I гуруҳдаги (операция Л.Е. Фролова таклиф қилган усулда бажарилган) болаларда уранопластикан сўнг юмшоқ танглайнинг узунлиги 24,2±0,6мм ни; танглайнинг m.LVP мушаги ўнг ҳамда чап бошланғич бурчаги $58,3^0 \pm 1,3^0$ даражани; m.LVP мушагининг ўнг ва чап томонлама умумий узунлик ҳажми 28,4±1,2мм ни; m.LVP мушагининг ўнг ҳамда чап томонлама кенглиги 2,1±0,2мм; m.LVP мушагининг марказ соҳаси кенглиги 2,8±0,2ммни ташкил этди (5-расм).

Танглай кемтиги бўлган 5-7 ёшдаги болаларда эса юмшоқ танглай умумий узунлиги 26,6±1,5мм ни; танглайнинг m.LVP номли мушаги ўнг ҳамда чап бошланғич бурчаги 56,7±1,6 даражани; m.LVP мушаги ўнг ва чап томондан умумий узунлиги ўртача ўлчами 34,7±1,6 мм; m.LVP мушагининг ён томонлама кенглиги ўнг ва чапдан 2,8±0,2мм; m.LVP танглай мушаги марказ соҳасидаги кенглиги 2,9±0,2мм га тенг.



5-расм. 3-5 ёшли соғлом ҳамда уранапластикадан 6 ой кейин танглай ўлчамлари ва m.LVP мушагининг МРТ натижаларини таққослаш.

II гуруҳда 3-5 ёшли болаларда танглай кемтиклари пластикаси Bardach J. таклиф этган усули бўйича амалга оширилган, 6 ойдан сўнг юмшоқ танглайнинг умумий узунлиги 24,6±0,4мм ни; танглайнинг m.LVP мушаги ўнг ҳамда чапдан бошланғич бурчаги 58,1±1,3 даража; m.LVP мушагининг ўнг ва чап бўлаклари умумий узунлиги 28,1±1,1мм ни; m.LVP мушагининг ўнг ва чап томондан ён кенглиги 2,1±0,2мм; m.LVP мушагининг марказ кенглиги ҳажми 2,8±0,2мм ни ташкил этди.

5-7 ёш болаларда эса, бу кўрсаткичлар қўйидагиларни ташкил этди юмшоқ танглай узунлиги 2,8±0,2ммни; m.LVP мушаги бошланғич бурчаги ўнг ва чапдан 56,6±0,2мм даража; m.LVP мушагининг ўнг ҳамда чап умумий узунлиги ўртача 34,8±1,2мм ни; m.LVP мушагининг ўнг ва чап бўлаклари ён

томонлама кенглиги 2,8±0,2мм; m.LVP мушагининг маркази кенглиги ўлчами 2,8±0,2мм ни ташкил қилди.

Биз таклиф қилган уранопластика усули, яъни юмшоқ танглайни кўндаланг кесиб, ярани бўйламасига тикилганда,операциядан 6 ойдан кейин III гуруҳдаги 3-5 ёшдаги болаларда уранопластика бажарилгандан сўнг юмшоқ танглайнинг узунлиги 28,8±0,5ммни; танглайнинг m.LVP мушаги бошланғич бурчаги ўнг ва чап томондан 59,4±1,6^0 даражани; m.LVP мушагининг умумий узунлиги ўнг ҳамда чапдан 30,4±1,5ммни; m.LVP мушагининг ён томонлама кенглиги иккала тарафда 2,2±0,2ммни; m.LVP мушаги марказдаги кенглик ўлчами 2,9±0,2ммга тенг бўлди.

Шу гуруҳдаги 5-7 ёшдаги болаларда танглай пластикаси амалиётидан сўнг юмшоқ танглай узунлиги 29,5±1,5ммни; танглай m.LVP мушагининг бошланғич бурчаги ўнг ва чапдан 57,7±1,6^0 даражани; m.LVP танглай мушаги узунлиги ўнг ва чап бўлакларда 35,1±1,2ммни; m.LVP мушагининг ён томонлама кенглиги ўнг ва чапдан 2,9±0,2ммни; m.LVP мушагининг маркази кенглиги 3,1±0,2ммни ташкил этди.

Амалга оширилган тадқиқот натижалари таҳлилига кўра, танглай соҳасида патологик ўзгаришлар бўлмаган, соғлом болалар ва танглай туғма кемтиги мавжуд бўлган беморларнинг ёши ва ўтказилган уранопластика усулига мувофиқ МРТ текшируви маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики Л.Е. Фролова таклиф қилган усулида уранопластика ўтказилгандан сўнг танглайнинг m.LVP мушаги узунлигининг тикланиши қиймати 81,3-82,7%ни; II гуруҳдаги Bardach J. томонидан таклиф қилинган усулида эса, m.LVP мушагининг узунлиги 81,9-83,2%ни; III гуруҳдаги болаларда таклиф этилган танглайни кўндаланг кесиб, узунасига тикилгандан сўнг m.LVP мушагининг узунлиги тикланиш даражаси 92,4-95,2% ни ташкил қилиши исботланди.

Л.Е. Фролова томонидан таклиф этилган усулда танглай пластикаси ўтказилган I гуруҳни ташкил қилувчи 3-5 ёшли болаларда танглайнинг m.LVP мушаги кенглиги статистик ўлчамлари 76,9%га; Bardach J. таклиф қилган усул бўйича уранопластика ўтказилган II гуруҳда 77%га; таклиф қилинган уранопластика методикаси бўйича III гуруҳнинг 3-5 ёш болаларида 80,5% тикланди. Бунда беморлар ёши катталашиб бориши билан m.LVP кенглигининг тикланишдаги фарқи сезиларли ўзгариб борган.

Диссертациянинг “**Уранопластика усулларига қараб танглай мушаклари мажмуаси ҳаракатчанлигини рентгеноскопик таҳлил натижалари**” деб номланган бешинчи бобида операциядан 6 ой сўнг танглай мушаклар тикланиш даври динамик кузатувида, танглай-ҳалқум мушаклари мажмуасининг ҳаракатчанлиги кўрсаткичлари рентгеноскопик усулда таҳлил қилинган.

Рентгеноскопик тадқиқот ўтказилган соғлом гуруҳдаги 3-5 ёшдаги болаларида танглай-ҳалқум мушаклар мажмуасининг қисқариб узайиш хусусияти яъни, ҳаракатчанлиги натижасида ҳалқумнинг орқа девори юзасига яқинлашиш масофаси “А” ҳарфини талаффуз қилишда 2,2±0,4мм ни, “И” ҳарфининг талаффузида 1,1±0,6мм ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар 4-7 ёшда эса “А” товушини талаффузида танглай-ҳалқум ва ютқин орқа девори

юзаси орасидаги масофа 2,3±0,5мм ни, “И” товушининг талаффузида эса 1,2±0,5мм ни масофани ташкил этди.

I гуруҳнинг тадқиқотда иштирок этган 3-5 ёшдаги болаларида Л.Е. Фролова таклиф қилган усулда ўтказилган уранопластикадан 6 ой сўнг танглай-ҳалқум ва ютқин орқа девори юзаси орасидаги масофа ўлчамлари “А” ҳарфини талаффуз қилишда 3,0±0,5мм га, “И” ҳарфини талаффуз қилишда эса 1,9±0,5мм ни ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар 5-7 ёшдаги болаларда “А” ҳарфини талаффуз қилишда танглай-ҳалқум мажмуаси ва ютқин орти девори юзаси орасидаги масофа 3,2±0,5мм ни, “И” товушини талаффуз қилишда 2,0±0,5мм ни ташкил қилди; текширувда иштирок этган II гуруҳдаги болаларнинг танглай-ҳалқум мушак комплексининг ютқин орқа девори юзаси орасидаги масофа “А” ҳарфини талаффуз қилишда 3,1±0,5мм ни, “И” ҳарфини талаффуз қилишда эса 1,8±0,5мм ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар 5-7 ёшда “А” ҳарфини талаффуз қилишда 3,0±0,5мм ни, “И” ҳарфини талаффуз қилишда 1,8±0,5мм ни ташкил қилди; III гуруҳда даволанган болалар биз таклиф қилган уранопластика усулидан сўнг танглай-ҳалқум мажмуасининг талаффуз вақтидаги қисқариши ва ютқин орт девор юзасига яқинлашувининг масофа ўлчамлари меъёр даражасига етди ва “А” ҳарфини талаффуз қилишда танглай-ҳалқум ва ютқун олд девори юзаси орасидаги масофа 2,4±0,5мм ни, “И” ҳарфини талаффуз қилишда 1,3±0,5мм га тенг бўлди. Бў кўрсаткичлар 5-7 ёшда танглай кемтиги жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда “А” ҳарфини талаффуз қилишда масофа 2,5±0,5мм ни, “И” товушини талаффуз қилишда эса 1,3±0,5мм ни ташкил этди.

